




ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 45 (9.389) 2000 йил 17 апрель, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Ўзбекистонда бўлиши

КЕЧА

Америка Қўшма Штатларининг Давлат котиби Мадлен Олбрайт Тошкентга келди. Бу Давлат котибининг Ўзбекистонга биринчи расмий ташрифидир.

Мадлен Олбрайт 16-19 апрелда Ўзбекистонда бўлади. Тошкентда у Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва бошқа расмий кишилар билан учрашади. Бундан ташқари демократик институтлар яратишга оид, минтақавий хавфсизлик бўйича кенг доира-

даги масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ҳам режалаштирилган. АҚШ Давлат котиби М. Олбрайт Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида сўзга чиқади, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг вакиллари билан учрашади, Бухоро ва Самарқандга ташриф буюради.

Ўзбекистон ва АҚШ давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.




Инсон хотираси — муқаддас туйғу

АЖДОДЛАР
РУҲИГА
ТАЪЗИМ

Юртбошимиз ўтган йили Хотира ва қадрлаш маросимида «Ишончим комилки, Хотира ва Қадрлаш кунини ҳаққимизни янада бirlаштиради. Унинг руҳига маҳкам бўлади, прода-сини бақувват, ишончини бутун қилади», — деган эдилар. Дарҳақиқат, бу гапнинг тўғрилигига Юнусободда бўлиб ўтказилган «Шаҳидлар хоти-раси» ёдгорлик мажмуи қурилиши ёр-қин далилдир.

Ҳар кун, ҳар тонг ишга келаётиб, ушбу ёдгорлик қурилишини жадал тус олганига, ҳамшаҳарларимиз билан гавжум бўлаётганига гувоҳимиз. Аслини олганда бу савобли мажмуа ҳамюртларимиз кўнглидаги орзу-умид бўлдики, ушбу зиёратгоҳга лоақал бир туп кўчат эканам деб ҳашарга келаётганларнинг кети узилмайд.



тимизнинг бошқа туманларида истиқомат қилаётган ҳамшаҳарларимизни ҳам учратиш мумкин. Ҳа, ҳаққимизнинг «Ҳашар — элга ярашар» деган умрбоқий, доно ҳикматиға амал қилган юртдошларимиз меҳнати билан жуда қисқа муддатда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қурилиши тугалланай деб қолди. Бу ерда ҳар кун иш қизгин кетаяпти. Ҳамшаҳарларимизнинг кувнок табассуми ва ҳушайфият билан кўчат экатганликларини, тупроқ ёки гишт ётқизаётганликларини, ирригация ариқчаларини текис-лаётганликларини кузатган кишининг қалбига фахр ва гурур туйғуси жўш ури-ш табиий.

Икки ой давом этган ободонлаштириш ойланининг сўнгги куниди ҳам «Шаҳидлар хоти-раси» мажмуида минглаб ҳамюрт-ларимиз иштиро-кида ҳашар уюштирилди. Юнусо-бодликлар қат-нашган ушбу ҳашарда анчагина ишлар амалга оширилди.

— Бугун туман-имиздаги мавжуд

50 та маҳалладан мингдан зиёд фуқаролар ўз ихтиёрлари билан яна ҳашар уюшти-ришди, — дейди биз билан суҳбатда туман «Маҳалла» жамғармасининг раиси Хусан Ахоров. — Ахир бегуноҳ қатагон этилган ота-боболаримиз руҳини шод этиш, улар-ни мудом ёлға олиш бурчимизку. Шу са-баб ёдгорлик мажмуи қурилиши умумхалқ ҳашари тусини олди-да. Бугун маҳалладош-лар 2000 тупдан кўпроқ мева ва манза-рли кўчатлар (шундан минг тупи терак) экишди. Икки минг квадрат метр жойга чим ётқизишди. Бошқалар тупроқ текис-лаб, бу ерни ахлат-кичкдилардан тоза-ладилар. Бундан ташқари барпо этилаёт-ган йўлакчаларга шағал, майда тош ётқи-зиш, гишт ташиш ҳам ҳашарчилар зим-масида.

«Шодлик» маҳалласидан 15 нафар бўлиб ҳашарга келдик, — дея суҳбатга қўшилди маҳалла оқсоқоли Мираҳмад ака Муҳамедов. — Бу жойлар ишга ҳиссамиз-ни қўшиш ниятида туртинчи мартаба ҳашарда қатнашяпмиз. Бугун зиммамиз-га чим ётқизиш тушган. Ота-боболаримиз руҳи шод бўлажак. Бу савоб ишга ҳисса-миз қўшилаётганлигидан мамнунмиз.

— Икки-уч йил муқаддам бу ерлар бу-тунлай кўримсиз аҳволда эди. Истиқлол шарофати билан Юртбошимиз ғамхўрлик-ларидида туманимизда яна бир файзли зиё-ратгоҳ бўлиб қолди, — дейди Янгияриқ маҳаллалик Норқўжа ака Комолов. — Энди бор ҳақиқатни англаб етчимизки, айнан шу жойларга элим деб, юртим деб яша-ган, истиқлол кунларини орзу қила-қила армон билан кетган, қатагон йилларининг қурбонлари — бегуноҳ ота-боболаримиз қони тўкилган экан. Келажақда бу ер ин-сонларнинг қадами аримайдиган, муқад-дас зиёратгоҳга айланди.

Ҳашар кечгача давом этди. Хусан Ах-оров айтган мўлжалдаги юмушлар ниҳоятга етди. Ҳамма шоду хушам уйига қайтди. Дарҳақиқат, ҳамюртларимиз таъкидлаш-ганидек, бу ерда ажойиб хотира майдони барпо этиляпти. Ҳашарчилардан ташқари қурувчилар ҳам кечая кундуз меҳнат қилишяпти. Аминимизки, бегуноҳ қурбон бўлган аждодларимиз руҳи шод бўляпти. Демакки, боболаримизнинг хотира чироқ-лари асло ўчмайди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: ҳамшаҳарларимиз «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик маж-муида ўтказилган ҳашар пайтида.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

«Ташаббус—2000»
КҮРИК-ТАНЛОВ
ҒОЛИБЛАРИ

Ўтган жума кунини пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройи ўзгача байрамона руҳ касб этди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти со-врини учун ҳар йили ўтказиладиган аънавий кўрик-танловнинг «Ташаббус—2000» республика босқичи якунланди.

Шуни айтиш керакки, унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари босқичи-да ғолиб чиққан 14 нафар тадбиркор, 13 фермер ва 14 нафар хунарманд ишти-рок этди.

Маълумки, мамлакатим-изда тадбиркорлик ҳара-катига катта аҳамият берил-моқда. Шуни айтиш жоиз-ки, ўтказилган кўрик-тан-ловнинг босқичларида тад-биркорлар ҳам, хунарман-дар ҳам, фермер ҳўжалик-ларининг фидойилари ҳам ўз маҳоратларини аққол-намоийш этдилар. Шу бо-исдан «Туркистон» саройи-га келган кўрик-танлов кат-нашчилари орасидан ахши-ларнинг яхшисини аниқ-лаш нуфузли ҳакамлар ҳайъати зиммасига юклан-ган эди. Бинобарин улар ўз вазифаларини аъло дара-жада бажариб ғолиб деган номга кимлар чиндан ҳам муяссар эканлигини одилона аниқлаб берди-лар.

«Оқшом» газетасида хабар бериб ўтганимиздек, «Ташаб-бус—2000» танловининг Тош-кент шаҳар босқичида «Энг яхши хунарманд» номига Ўзбекистон Бадий академия-сининг аззоси, моҳир ёғоч уймақори Сирожиiddин Раҳма-туллаев сазовор бўлган эди ва у республика микёсида ўтаётган «Ташаббус—2000» кўрик-танловида иштирок-етиш ҳуқуқига эга бўлган эди.

Ушунда у ўзининг қалб сўзла-рини изҳор этиб она юртида тарихдан сўзловчи ёғоч уйма-корлигини меҳрибон устоз-ларидан қай даражада ўрган-ган бўлса, шогирдларига, ке-лажак авлодга шундай етқа-зишга азму қарорга келган-лигини айтган эди. Сирожи-дин Раҳматуллаевнинг хунар-мандлик соҳасидаги ишлари кўрик-танловнинг республи-ка босқичида ҳам юксак баҳо олди. У «Энг яхши хунар-манд» деган фахрли номга сазовор бўлди.


Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

— Давлат мулк кўмитаси-нинг раиси Уктам Исмоилов «Ташаббус—2000» аънава-вий кўрик-танловнинг рес-публика босқичи ғолиблар-ига Ўзбекистон Республи-каси Президенти совринла-рини топширди. Жумладан Тошкент шаҳар Шайхонто-хур туманида ёғоч уймақор-лиги санъати билан шуғул-ланувчи Сирожиiddин Раҳ-матуллаев ҳам ана шундай юксак шарафга эга бўлди.

У «Тик» ёғил машинаси-нинг соҳиби ҳамда олтин медал эгаси бўлди. Биз ажойиб хунарманд ҳамшаҳримиз бўлган Сиро-жиiddин Раҳматуллаевни Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ҳар йили ўтказиладиган аъ-навий кўрик-танловнинг «Ташаббус—2000» респу-блика босқичида ғолиб чиқ-қанлиги билан қизгин му-борака этиб, унинг келгуси ишлариға катта зафарлар тилаб қоламиз.

(Ўз муҳбиримиз).

СУРАТДА: «Энг яхши хунарманд» деган фахр-ли номга сазовор бўлган Сирожиiddин Раҳматулла-ев ўғлиға ёғоч уймақор-лиги сирлари ҳақида сўзлаб бермоқда.



Ошқора мулоқотга марҳамат

ЭРКИНЛАШТИРИШ
ҲАҚИДА
ЭРКИН ФИКР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маълумотига асосан, «Ташаббус—2000» танловининг республика босқичида ғолиб чиққан 14 нафар тадбиркор, 13 фермер ва 14 нафар хунарманд иштирок этди. Бу ҳақда «Ташаббус—2000» республика босқичи якунланди.

Ўтган икки ой мобайни-да 132-11-39 «Ишонч те-лефони» орқали билдирил-ган фикрлар газета саҳифа-ларида мунтазам ёритилди. Кунин кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий ривож-ланишнинг 2000 йил бирин-чи чорак якунлари ва исло-хотларни чуқурлаштириш-нинг боришига бағишланган йилгида ҳам муҳокама этилган барча масалалар юзасидан аниқ фикрлар ай-тилади, жумладан «Ишонч телефони» ишини жон-лантириш, оммавий ахборот воситалари билан барча иқтисодий тузилмалар фа-

олийатини ёритишда ошқора-ликка эришиш учун ҳамкор-лиқни мустаҳкамлаш зарур-лиги ҳам яна бир бор эъти-бор қаратилди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда биз ўзи-мизнинг қадри қиммати-ни ривозга мувожаат қилиб, уларни ошқора мулоқотни изчил давом эттиришга та-қлиф этамиз ва эркинлашти-риш ҳақидаги эркин фикрлар хусусида 132-11-39 «Ишонч телефони» орқали боғла-нишлари мумкинлигини ўлга-рига яна бир бор эслатиб ўта-миз. Шундай қилиб, азиз дўстлар, фикрларингизга мун-тазирмиз, кўнгирак ва мак-тубларингизни кутамиз.

2000 йил Соғлом ав-лод йили деб эълон қили-ниши муносабати билан ҳамда Тошкент шаҳар аҳолиси, оналар, хотин-қизлар ва ёшлар ўртаси-да соғлом ва ҳар томон-лама баркамол авлодни етиштириш, улар ўрта-сида озодалик, тозалик, экологик ва эстетик ма-даниятни, дунёқарашни такомиллаштириш, ўз хонадонини, кўчасини, маҳалласини саранжом-саримта қилиш, она-табиагга, юртига бўлаг муҳаббатини қу-чайтириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов «Гулим, уйим, шаҳрим» шаҳар кўрик-танловини ўтқа-зиш тўғрисида фармой-ини қабул қилди.

Унга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлиги Оила, оналик ва болаларни иж-тимоий муҳофаза қилиш мажмуаси, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, халқаро «Экосан», «Наврўз», «Маҳал-ла» жамғармалари Тошкент шаҳар бўлимининг ҳар йили «Гулим, уйим, шаҳ-

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Маҳлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг мажлисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Геодезия ва картография тўғрисида»ги Қонунни Ўзге-одезикадистр Бош бошқармасида ижро этилиши тўғри-сидаги масала муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини де-мокрашлатириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий, си-ёсий жамғармаси ҳамда «Тасвирий ойна» Республи-ка ижодий уюшмаси аънаваний «Энг улуг, энг азиз» Республика танловини эълон қилди.

• Қори-Нийзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида Камолитдин Бехзод таваллудининг 545 йиллигига бағишланган «Ка-молиддин Бехзод ижодининг жаҳон тасвирий санъати ва таълим тизимиға таъсири» мавзусидаги республи-ка илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• 2000 йилнинг биринчи чорағида Тошкент вилоя-тининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва ислохотларнинг бориши таҳлилиға бағишланган ви-лоят йилгилиши бўлиб ўтди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Дания дав-лат, хусусий масалалар хизматчилари, тиббиёт, савдо ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси вакил-лари билан Республика касба уюшмалари Федера-циясида бўлиб ўтган давра суҳбатидида ижтимоий ҳам-корлик тамойилларини ривожлантириш, ишсизликнинг олдини олиш, илгор иш усуллари ҳамда ечимини ку-таётган баъзи муаммолар хусусида атрофлича гап бор-ди.

• Тошкент Давлат аграр университетида ректорат ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишувға му-вофиқ иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими таш-кил этилди.

• Республикадаги турли хилдаги юзга яқин ранг-баранг журналлар орасида «Соғлом авлод учун» жур-нали ўзининг беақалли, илмий-тарбиявий, оммабоп-лиги билан ажралиб туради. Яқинда ушбу журналнинг 2-сонини нашрдан чиқди.

• Индиға Тошкентда тўқимачилик ва тайёр кийим-лар дизайни бўйича уч кунлик семинар ўз ишини бош-лайди.

• Кеча мамлакатимизнинг турли бурчакларида югу-риш кунини бўлиб ўтди.

• Пойтахтнинг отчопарида отда чопиш бўйича рес-публика чемпионати мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Ушбу мусобақа ғолиблари 20-23 апрелда Бишкек, 2-4 июнь кунлари Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтқа-зиладиган Жаҳон кубоғи саралаш баҳсларида ишти-рок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

ЖАҲОНДА

• Кеча Россия Федерацияси Президенти вазифа-сини бажарувчи Владимир Путин чет эл бўйлаб сай-ловдан сўнгги ўзининг биринчи сафарини бошлади. У дастлаб Беларуссияда бўлиб, Президент А. Лукашен-ко билан учрашди. Шу кунин у Минскдан Лондонға жўнаб кетди.

• Болтиқ денгизи ҳавзасидаги давлатлар кенгаши-нинг Коллинг шаҳрида бўлиб ўтадиган йилгилишида асосий эътибор минтақадаги иқтисодий муносабат-лар масаласига қаратилди.

• Исроил Президенти Эзер Вейцман соғлиғи ёмон-лашгани боис истеъфоға чиқиш ниятида эканлигини маълум қилди.

• Ангела Маркель хоним Германиянинг энг йирик партияларидан бири христиан-демократлар партияси раиси этиб сайланди.

• Россияда туғилиш 80-йиллардағига қараганда 6 миллион кишиға қамайдиган.

• Хитой 20 йиллик иқтисодий ислохотлар давомида йўқсиллар сонини 260 миллиондан 42 миллионгача ка-майитди.

• Кеча Ставрополь ўлкасида осмонға кўтарилиш пайтида АН-2 самолёти кулаб тушди.

• Руминия ғарбидида юз берган сув тошқини оқиб-атида олти киши ҳалок бўлган, 15 уезднинг 448 аҳоли пункти ва 78 минг гектар экинзор ерини сув босган. 224 кўприкка зиён етган. Қўшни Венгрияда ҳам 200 аҳоли пункти сув тағида қолган.

• Буюк Британиянинг Редфорд шаҳрида Буюк Бри-тания кураш ассоциацияси томонидан ўзбек кураши бўйича Англия-1 чемпионати ўтказилди. Чемпионатда инглиз полвонлари ҳам ўзбек курашининг усулларини ўзлаштирганликларини намоийш қилдилар.

• Европа теннис Ассоциацияси ўзининг 25 йиллик юбилейини янги президент Испания теннис федера-цияси бошлиғи Аугустин Пухьол бошчилиғида нишон-лади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиғида

рим» кўрик-танловини ўтқа-зиш тўғрисидаги тақлифлари маълумланди. Ушбу кўрик-танловнинг шартлари, ташкилий кўмита таркиби ҳамда баҳолаш ко-миссиясининг таркиби тас-диқланди.

Туман ҳокимликлари зим-

Савдо, аҳолиға маиший хизмат кўрсатиш ва халқ ис-теъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти зиммасига шаҳар кўрик-танлови ўтказиладиган жойда салқин ичимликлар, қандолат маҳсулотлари, ос-далик совғалари ва китоб

«ГУЛИМ, УЙИМ, ШАҲРИМ»
ШАҲАР КҮРИК-ТАНЛОВИНИ
ЎТҚАЗИШ ТЎҒРИСИДА

масига кўрик-танловни жой-ларда юқори савияда ўтқазиш учун барча шарт-шароитлар яратиш топширилди.

Шаҳар ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш, Маданият ишлари, Халқ таълими бош бошқармалари, Урта махсус касб-хунар таълим бошқарма-си, «Тошшаҳармаишийхизма-тушум» ассоциацияси, «Тошкентвидео» акционерлик бирлашмаси жойларда кўрик-танловни тайёрлаш ва ўтқа-зишда шаҳар ва туман та-шкилий кўмиталари зиммасига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш топширилди.

савдосини ташкил этиш ҳамда кўрик-танловға ҳомийларини жалб этишда ёрдам бериш вазифаси топширилди. Шаҳар ҳокимлигининг Ишлар бошқаруви зимма-сига кўрик-танловнинг якунловчи босқичи учун афиша ва тақлифномалар чоп этиш юклатилди. Шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига кўрик-танлов ўтказиладиган жой атрофида жамоат тар-биясини сақлаш юзасидан зарурий чоралар кўриш топширилди.

ЭРКИНЛАШТИРИШ — ОЛФА ИНТИЛИШИМИЗ КАФОЛАТИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятининг фаолиятини таъминлаш тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича тегишли қарор қабул қилган эди. Шу қарорга мувофиқ шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг туғилган йўналишида иш олиб бораётган ишчи гуруҳлари ташкил этилиб жойларда амалий ишга киришди. Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиги Баҳодир Мирбобоев гуруҳ иши, келгусидаги фаолияти ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Гуруҳимизга 10 нафар турли соҳадаги масъул ходимлар аъзо бўлишди. Улар орасида банк аъзоларидан ташқари «Бизнес фонд», Меҳнат вазирлиги масъул ходимлари ҳамда тадбиркорлар бор. Ишчи улар билан баҳамжihat бошлаб, тадбиркорларга банк ва молия масалаларида ўз фаолиятини юргизиши учун ҳар томонлама қўлай шарт-шароитлар яратиш, кредит олишлари учун тегишли тавсиялар бериб борилади.

Бизнинг асосий мақсади-миз тадбиркорларнинг иш фаолиятини ривожлантириш, бунда тадбиркорларга кредит ва микрокредитлар олишда керакли масlahатлар ва тегишли ёрдам кўрсатишдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси сессиясида, 1999 йил январи буйича йиғилишида ҳамда Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишида банклар олдида қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан

миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш тартиби» кичик ва хусусий тадбиркорларга кредит олишда кенг имтиёзлар яратиб берди.

Ушбу йўриқномаларга кўра юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлар 5000 (беш минг) АҚШ доллари, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлар 10000 (ун минг) АҚШ доллари миқдорда микрокредит олишлари мумкин. Бу кредитларни имтиёзли шартларда берилиши мўлжалланган. Албатта, кредитлар беришда ўзига яраша шартлари мавжуд. Яъни, бу шартлар кредитни мақсадли, ишлаб чиқариш ва

биркорларга кредит олишда кенг имтиёзлар яратиб берди.

Ушбу йўриқномаларга кўра юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлар 5000 (беш минг) АҚШ доллари, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлар 10000 (ун минг) АҚШ доллари миқдорда микрокредит олишлари мумкин. Бу кредитларни имтиёзли шартларда берилиши мўлжалланган. Албатта, кредитлар беришда ўзига яраша шартлари мавжуд. Яъни, бу шартлар кредитни мақсадли, ишлаб чиқариш ва

хизмат кўрсатиш учун, тўловли ва тегишли ҳужжатлар тақдим этишдан иборат. Бундан ташқари, кунча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида ҳам тадбиркорлар учун бир қанча қўлайликлар яратилган.

Қарорга шарҳ

ҲИСОБОТ БЕРИШ ҚИСҚАРДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги шў йил босида қабул қилинган қарори юртимизда кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш ва иқтисодий таъминнинг истиқболини оширишда катта бир саваб ҳаракат десак аниқлашмиш. Шу қарорнинг биринчи бандида белгиланган:

кичик ва ўрта корхоналар, микрофирмалар ҳисоботларини фақат жойлардаги давлат статистика органларига ва солиқ органларига улар томонидан белгиланган шакллар бўйича тақдим этилади;

микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисоботини йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади. Микрофирмалар ва кичик корхоналардан ҳар ойда ҳисобот сўралишига йўл қўйилмайд.

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда микрофирмалар ва кичик корхоналар (шў жумладан қўшма корхоналар)нинг амалдаги статистика ҳисоботини ўн кун муддатда қайта қўриб чиқсин ҳамда улар учун жорий йилнинг I чораги ҳисоботидадан бошлаб мумкин қадар қисқартирилган, соддашлатилган ва бир хиллаштирилган ҳисоботини, шунингдек уни тақдим этиш тартибини жорий этсин.

Мана шу қарорнинг биринчи бандини тадбиркорларга яна бир қўлайлик таъриқсидики Тошкент шаҳар статистика бўлими бошчилигининг уринбосари Людмила Цукур қуйидагича шарҳлаб берди:

— Маълумки, республикамиз Президентини бўлиб ўтаётган барча йиғилишларда маърузаларида кичик ва ўрта бизнес тизимини янада ривожлантириш тадбиркорларини вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан қўнғунга хилоф равишда ҳисобот ва қўшма маълумотномалар сўралиши ва шў сабабли айтаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ривожланишида тўсиқлар пайдо бўлаётганини кўп марта таъкидлаган эдим.

Мазкур қарор кичик ва ўрта бизнес тизимларининг фаолиятида янада қўлай шарт-шароитлар яратиш, улар томонидан тақдим этилаётган ҳисобот турларини анча соддашлатиш ва қисқартириш, бундан бун шў йўналишдаги тадбиркорлар фақат иккита ҳисобот — давлат статистика ва солиқ органларига улар томонидан белгиланган шакллар бўйича тақдим этишидир.

Статистик ҳисоботи олиб қўладиган бўлса, қарорга мувофиқ Макроэкономика ва статистика вазирлиги томонидан янги давлат статистик ҳисобот бериш тасдиқланди. Ушбу тартиб шакли биринчи сон билан белгиланиб, «КБ» (кичик бизнес): «Микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисоботи (чорак, йиллик)» деб юритилади ва ҳисоботлар жойлардаги тушма статистика бўлимида қўйиб берилиши таъкидланди.

Агарда кичик корхона жамоа корхоналар қаторидан ўрин олиб, бюджет ҳисобидан иш юритса, меҳр-муруват ва диний ташкилот ҳисобланса, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмаса; ўз ўрнида бундай субъектларга янги жорий этилган ҳисобот тартиби тегишли эмас, улар умумий қабул қилинган ишчилик сони ва маош фонди тўғрисидаги «1-Т» шаклдаги ҳисоботини ҳар ойда шаҳар статистика бўлимига тақдим этилади.

Мақолаларни Гулзода МАМБЕТОВА тайёрлади.

Ўзингизда бўлса, биз мазкур рух-идаги суҳбатимизда буюк олим Ҳабиб Абдуллаев ҳақида қисқача хотирамизни шарҳлаб берган эдик. Бугун эса ана шў буюк олим билан бир даврда яшаб, ўзбек халқининг тарихи, энг қадимий даврларга оид археологик ёдгорликларини топиш, аниқлаш, уларнинг миллимиз маданияти, маънавияти шаклланишидаги ўрни, маъқеи, аҳамиятини белгилашга катта ҳисса қўшган улў сиймо — Яхё Ғулом ҳақида биланларимиздан бир қадар айтиб беришга ҳажим қилдик...

Ҳурматли домла республикамиздагина эмас, балки бутун Урта Осиё, Қозғистон ва Россиянинг Петербург ва Москва олимлари томонидан ҳам тан олинган, тарих ва археология соҳасининг машҳур билимдони даражасига кўтарилган сиймоларимиздан бири эдилар. Биргина мисол: таълиқ рус олим академик Толстов қадимги Хоразм тарихига оид бир неча йил мобайнида давом этган археологик қазилма ишларида ҳаммиса домла Яхё Ғулом билан бирга фаолият кўрсатган ва унинг шў борадаги ҳамкорлиги, ёрдамларига юксак баҳо берган, бир неча бор миннатдорчилик изҳор этганини китобларида ёзиб кетган...

Аммо биз бугун домланинг тарих, археология соҳасидаги фаолиятларини ўша фаннинг мутахассисларига қолдириб, бу атоқли олимнинг яна бошқа инсоний фазилатлари, сирқари, етук зиёли шахсларга хос ўта ибратли, бугун ва ҳаммиса ҳаммамизга намуна бўлиб қоладиган

ҳимоя қилдилар ва бу борада ўз шахсий фикрларини чуқур далил ва исботлар билан баён этдилар. Залда анча танглик билан ҳолат пайдо бўлди. Негаки, катта марказдан келганларнинг бирорта гапини икки қўладиган мард жуда ҳам хатто йўқ даражада эди. Ленинградлик олим қайта-қайта чиқиб домлага, диссертантга ташланди, ҳар сафар домла Яхё Ғулом унинг фикрларини рад этиб, охирида «Бу масалага оид бор манбаларнинг ҳаммаси мана шў мен айтган фикрни тасдиқлайди» дейдилар-да, минбарда турган олимга тесқари қараб ўтиравердилар. Бошқа яна сузлашнинг ҳолати йўқ, деган маънода индамай қўйқолдилар. Нихоят домла Яхё Ғуломнинг фикрлари устун бўлиб чиқди. Залдагилар ҳаммаси домланинг мулоҳазаларидан қониқиб ҳосил қилганини билдириб турди.

1961 йилга келиб қамина Абдулла Қодирий ижодиётдан номзодлик ишини ёқлайдиган бўлди. Ўша кезлари домла мени чакириб, «Бир жиддий гап бор, айти қўй, ўзингиз билиб қўйинг, гап шў ерда қолсин», дедилар. «Менга Хадича Сулаймонова айтиб бердилар. Қодирийни қаматганлардан бири «Қўраман, уни оқлайдиганларни» деб дўқ урибди. Қўяверинг, биз сизни ҳимоя қиламиз. Мен ўзим албатта «советда» бўламан. Керак бўлса, сўзга ҳам чиқаман, қўрқманг, энди қўлидан ҳеч нарсга келмайди» деб менга далда бериб қўйдилар, худо раҳмат қилгур домла... Ҳимоя тинч ўтди. Залда одам жуда кўп эди. Халиги дўқ урган чакки бирор гап айтишга журъат қилмайдилар. Агар менга ҳужум қилса, залда уни талаб ташлайдиганлар, дадил, журъатли ва билимдон олимлардан — Иброҳим Мўмин, Яхё Ғулом, Хадича Сулаймонова, Ҳамид Сулаймон, Отабой Зиннов, Изаат Султон, Ойбек сингари халқимизнинг энг ороули, нуфузли гуллари, академия президенти Ҳабиб Абдуллаевлар бор эди. Хат-

Инсон хотираси — муқаддас туйғу

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАДИ

қўллаб ҳислатларидан айримлари устида мулоҳаза юритмоқчимиз. Халқимизда «Зар қадрини заргар билади» деган машҳур бир мақол бор. Сиртдан қараганда — бу жуда оддий, ҳаммага тушунарли гап бўлиб қўринади. Аслида бир қарашда бу тўғри ҳам. Аммо ана шў «оддий» ва «тушунарли» иборалар замирида шундай теран, шундай кенг қўламлиқ мантиқ, ўткир фалсафий маънолар борлигини ҳамма ҳам ҳамиша идрок эта олармикан? Ва ҳаётда, ўз фаолиятида — оила-да, ҳамиятда, расмий ва норасмий хатти-ҳаракатларида ана шў мақол негизиди бебаҳо маъноларга амал қилармикан?

Бинобарин бутун инсониятни тараққиёт сари бошлаш вазифаси ҳам шундай шахслар ва уларга эргашиб яшашга қодир табақалар зиммасида десак хато бўлмаса керак. Негаки, агар атрофингизга бир назар ташласангиз тоху ақшидан қўра ёмон кўнга ўхшаб қўринади, аммо, ўша озорқ бўлиб қўринган ақшилар тоифасидаги йимон, инсоф, эътиқодлилар ҳаммиса ёмонлардан қўра қўдратлидир. Тараққиёт ва тақдир ҳам ақсари шулар елкасида бўлади. Бизнинг бугун хотираларини эслётган ҳурмати эит — домла Яхё Ғулом — миллимизнинг гули сифатида, миллий фанимиз, маданиятимиз, ниҳоят шулар маъмуриятдан келиб чиқадиган бутун миллий маънавиятимизнинг буюк намоёндаларидан бири эди. Домла фақат тарихчи, археолог олимгина эмас, адабиёт, шарҳ-шунослик, фалсафа сингари ижтимоий фанларнинг ҳам чуқур билимдони эдилар. Араб, форс, турк ва туркий халқлар тилларидан қўлини, рус тилини мукаммал билардилар, ўзаро суҳбатларда ақсари — шарҳ мумтоз адабиётдан, мақол ва маталларидан ёд айтиб туриб, ўз фикрларини тасдиқлар, исботлар эдилар.

1950 йилларнинг ўрталарида тарих ва адабиётдан, фалсафадан бизда фан докторлари жуда саноқли бўлиб, тарихдан домла Яхё Ғулом, адабиётдан домла Изаат Султон, ўзбек шўларидан номзодлик, докторлик диссертациялари ёқловчилар орасида илмий раҳбарлик ва оппонентлик учун доим талаб эдилар. Хуллас, ана шундай бир вазиятда — раҳматли — шарҳшунос олим — Абдусодиқ Ирисов номзодлик диссертациясини ёзиб битирган, ёқлашга тавсия этилган, аммо шарҳшунослик соҳасида ўзинида битта ҳам фан доктори йўқ, биринчи оппонентликка эса соҳа бўйича фан доктори талаб қилинган. Йўриб-йўриб охири Абдусодиқ домла Яхё Ғуломга ҳасрат қилди. Биринчи оппонент бўлишларини сўрайди. Домла, аввало менда шундай қўлай қўлай кетди, иккинчидан мен шарҳшунос эмасман-ку, деб қўтулмоқчи бўлганлариди, Абдусодиқ «ўларингиз номзод, доктор бўлиб олганларингиздан кейин бошқаларга қарамайсизларми?» деб домладан гинахонлик қилди; домла қўлимсизлаб туриб, «Ха, майли, олиб келинг ишингизни» деб розилик берганлар. Бу ерда биз домладанг инсон меҳнатига ачинаш, меҳр-шафқат билан бирга у кишини ёш олимнинг шарҳшунослик соҳасидаги тадқиқотларини бемалол таҳлил қилишга қодир эканлиқларини ҳам аққол қўрамиз.

Яна бир лавҳага ғувоҳ бўлгандим. Маҳкам Абдураимов деган тарихчи олим бор эди. У докторлик диссертациясини ёқлаганда ўн оппонентнинг бири домла Яхё Ғулом бўлдилар. Илмий кенгашда диссертацияни ёқлаш жараёнида домла Яхё Ғулом Ленинграддан келган биринчи оппонент билан бир масала устида баҳслашиб қолдилар. Унинг фикрларини аниқ далиллар билан рад этиб, диссертантни

то қозоқ халқининг буюк олим ва ёзувчиси — ҳурмати эит — Мухтор Авезовнинг ишчимизга ёзган жуда теран илмий-назарий мулоҳазаларини ифодалаган телеграмма-хати ҳам бор эди. Ойбек билан Авезовнинг мулоҳазалари ёзилган мактубини академик Азиз Қаймов ўқиб берганда залда гоит кўтаринки бир руҳ пайдо бўлдики, булар ҳаммаси буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг оқланиши, асарларининг қайта-қайта нашр этилиши, у буюк сиймонинг ўзбеклар қалби тўридаги армоний маънавият оламида янгидан жонланганидан иборат эди.

Домла Яхё Ғуломнинг яна бир фазилатлари ҳақида айтиш қўйи. Домла аслида жуда поқ ниятли, йимон-этиқодлилар мустаҳкам, тўла маънодаги зиёли бир шахс бўлганларини тўғрилай — ҳар ишда халқлиқни ёқтирар эдилар, жиндек гирронликни ҳам қўлқўмас эдилар. Яхё Ғуломдек катта-катта бир қадар олимлар ишлайдиган жойга — академиянинг тарих институтига ҳеч қандай илмий ёки раҳбарлик қобилиятига эга бўлмаган бир ёш жувони директор қилиб қўйилди. Унга бирор гап айтидиган одам республикада кўн қўролмади... Шў орада бир тўйда домла Яхё Ғулом ҳам бор эканлар, у ерга у кишининг ортиқча алоқалари йўқ экан. Бир ақин одам, «Ха, домла, бу ерда нима қилиб юрибсиз?» деб сўраса, «Директоримизга ҳушомад қилиб келдик» деб жаов берганлариди директор ҳам ўтирган экан.

Яна бир гап. Яхё Ғулом домла академикликка сайланганда. Ҳаммага бу борада бир аниқ тушуна мавжуд — муқоротлар, унвонлар, академияларга сайланишлар нақадар завқли бўлмасин, одамлар шў нарсаларда муносиб ва номуносибларини жуда яхши ажратишади. Шўнга қараб энг яқинлари билан фикрларини ўртоқлашадилар. Биз дўстим — Ҳибзиддин билан бирга табриқлагани домланинг уйларига бордик. Ховли қил тўла одам. Катта қозон, катта самоварлар қайнаб турибди. Бизни катта айовон орасидаги чорқоқ уйма тақлиф этишди. Кирдик. У ерда домла билан қўшнилари — тиббиёт олими, профессор — Абдулла Каримов ўтирган эканлар. Ҳурсанд қўлиб олишди. Қадҳларга қўйилди. «Сиз гапиринг» деб менга айтидилар. Мен уялдим. Йўқ, дедим. Ҳибзиддин ҳам менга «Бир оғиз гап айтмак» деди. Хуллас, қадҳ сузи айтдик: «Домла, аввало сизни академикликка сайланганингиз билан чўн қўнғилдан табриқлаймиз. Бундан ҳамма софидил одамлар хурсанд. Чўнки, илмга ҳар хил айланма йўллар билан кириб келганлар бошқа, сиз билан Изаат Султонга ўхшаб қан эити нуқул ҳалол йўл билан илмга кирганлар сонини қўнаёса. Мана, сизларнинг сайланганингизга ҳамма хурсанд бўлди. Тан-жонингиз соғ бўлсин, бахтимизга узоқ умр қўринлар» дедим. Домла: «Ейрай-я, шўни биласизларми сизлар ҳам» деб оуниб етдилар-да, мана бўлмасам, деб ичиб юбордилар. Шўнда Ҳибзиддин: «Яхё ақамларини ичирш учун сени гапиртириш керак экан-да» деб ҳаммамизни қўлдирди. Чўнки бу вақтларда домла қанч қасали, қон босими қаби бир қадар дардларга учраган эканлар, шў тўғрйли ҳамма нарсадан парҳез тутар эканлар. Мана бу сизга ҳалол йўл билан фан оламига кирган фидойилар ва уларнинг қалбларини тўқинлантириб келадиган — йимон-этиқод билан яшайдиган буюкларнинг энг ибратли фазилатларидан бир лавҳа хос. Бу ҳаммаси «Зар қадрини заргар билади» қабилда ўз маънавий меросига бўлган этиқоднинг бир қўринишидир.

Аҳмад АЛИЕВ.

Изоҳ

ИШНИ ШУНДАЙ БОШЛАГАНМАН

Анвар ИНОҒОМОВ,
«Анвар И.А.Б.» хусусий фирмасининг директори:

